O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XALQ DEPUTATLARI SHOVOT TUMANI KENGASHI

Q A R O R I

221000, Shovot tumani, Turkiston ko’chasi 73-uy, telefon: (62) 34-51-882, faks: 34-51-900

2021-yil 17 - январь 35-150 -son Shovot t.

Шовот туманидаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари номларини ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 295-сонли ва 2014 йил 4 мартдаги 48-сон Қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ туман ҳудудий комиссиясининг хулосасини инобатга олиб, Халқ депутатлари Шовот туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг ўринбосари Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларини давлат экспертизасидан ўтказиш эксперт комиссиясининг 2020 йил 4 августдаги баёнига асосан ҳамда Шовот тумани географик объектлар номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссияси хулосаси ва эксперт камиссияси хулосаси раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туманда географик объектлар номлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати, туман қурилиш бўлими, тумандаги номи ўзгарган фуқаролар йиғинлари билан биргаликда, туман бўйича тасдиқланган ягона замонавий миллий дизайн асосида бир ой муддатда географик объектлар номлари қайд қилинган пешлавҳаларни ўрнатсин.

4. Белгилансинки, географик объектлар номлари қайд қилинган пешлавҳаларни ўрнатиш билан боғлиқ сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қопланади.

5. Ушбу қарор қабул қилиниши билан халқ депутатлари Шовот туман Кенгашининг 2016 йил 25 июлдаги “Шовот туманидаги аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва қайта номлаш тўғрисида”ги 16-64-сонли Қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарор расмий манбаларда эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари (М.Қуранбаев) ва Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (Ғ.Олламов)га юклатилсин.

Халқ депутатлари Шовот тумани
Кенгаши раиси, туман ҳокими **Х.Отаханов**